



ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ

Турсунова Зулайхо Абдужобир қизи

Тошкент халқаро бошқарув ва технологиялар университети

ORCID: 0009-0007-7884-9134

zulayxotift@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодий барқарорликни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни ниҳоятда муҳимлиги, бюджет-солиқ сиёсати, ҳукуматнинг қарзи, солиқ даражалари, давлат харажатлари ва даромадларини бошқариш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, инфляцияни назорат қилиш ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: солиқлар, бюджет-солиқ сиёсати, солиқ базаси, мол-мулк солиғи, солиқ тушумлари, иқтисодий барқарорлик.

РОЛЬ БЮДЖЕТНО-НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ

Турсунова Зулайхо Абдужабировна

Ташкентский международный университет менеджмента и технологий

Аннотация. В этой статье рассматриваются меры, направленные на стимулирование экономического роста, контроль над инфляцией и стабилизацию экономики посредством чрезвычайно важной роли бюджетно-налоговой политики в обеспечении экономической стабильности, бюджетно-налоговой политики, государственного долга, уровней налогообложения, управления государственными расходами и доходами.

Ключевые слова: налоги, бюджетно-налоговая политика, налоговая база, налог на имущество, налоговые поступления, экономическая стабильность.

THE ROLE OF FISCAL POLICY IN ENSURING ECONOMIC STABILITY

Tursunova Zulaykho Abdujabir kizi

Tashkent International University of Management and Technology

Annotation. This article discusses measures aimed at stimulating economic growth, controlling inflation, and stabilizing the economy through the extremely important role of fiscal policy in ensuring economic stability, fiscal policy, public debt, tax levels, and public expenditure and revenue management.

Keywords: taxes, fiscal policy, tax base, property tax, tax revenues, economic stability.

Кириш.

Солиқлар билан боғлиқ бўлган муносабатлар дастлабки ижтимоий жамиятлар пайдо бўлишидан бошлаб, ҳозирги кунгача ҳукумат вакиллари, солиқ йиғувчилар ҳамда солиқни тўловчилар ўртасидаги қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Солиқларга нисбатан замонавий қарашлар тарихий тажриба таъсири натижасида оддий фуқаро манфаатларини суверен давлат манфаатларига мослаштириш, кейинчалик эса бу манфаатларни давлат манфаатларига хизмат қилдириш натижасида пайдо бўлган.

Солиқ муносабатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши давлат молиясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида солиқ тўловчилар даромадларининг бир қисмини мажбурий кўринишда давлат хазинасига ундирилиши узоқ даврга бориб тақалади. Демак, солиқларнинг шаклланиш тарихи шундан далолат берадики, дастлаб солиқ муносабатлари аҳоли билан давлат ўртасида пайдо бўлиб, инсон цивилизацияси билан бирга ривожланиб борган.

Солиқларнинг иқтисодий муносабатларда асосий ўринга чиқишига, авваламбор давлатнинг шаклланиши, жамоаларнинг синфларга бўлиниши, қадимги ижтимоий тузумнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг маълум молиявий манбага эҳтиёж сезишлари сабаб бўлган.

Инсоният онгининг аста-секинлик билан ривожланиши, янги иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт тарзини ўзгара бориши билан солиқлар ҳам ривожланиб борган, яъни янги солиқ солиш манбалари вужудга келган, бу эса янги солиқ режимларининг пайдо бўлишига олиб келган ҳамда янги турдаги солиқлар асосида даромадлар шаклланиб давлат харажатлари қопланган.

Демак, солиқлар давлат бошқарув идораларини, мамлакат муҳофаасини ва маҳсулот ишлаб чиқармайдиган соҳаларни (маориф, соғлиқни сақлаш, фан-маданият ва шу каби ташкилотларни) молиялаштиришнинг асосий манбаси бўлган.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодчи олим Исламқулов (2019), “Республикамизда давлат бюджети даромадлари барқарорлиги, турли даражадаги бюджет даромадлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятларининг молия-бюджет, бюджет-солиқ соҳаларида ваколатларини аниқ белгилаб олиш лозимлигини таъкидлаб, бунда бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромад ваколатлари ва харажат мажбуриятларини оптимал тақсимлаш тизимини маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш горизонтида амалга ошириш лозимлигини;

Шунингдек, маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқларидан ажратмалар фоизи ҳеч бўлмаганда уч йилга ўзгармас бўлишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг бўш пул маблағларини қисқа муддатларга банк муассасаларига фойда олишни йўлга қўйиш, маҳаллий ҳокимиятларга ички ва ташқи бозорда зайёмлаштириш ҳуқуқини бериш лозимлигини таклиф қилганлар.

Иқтисодчи олим, Хайриддиновнинг (2011) фикрича “ҳар бир маҳаллий ҳудуддаги солиқ тизими томонидан ундирилиши лозим бўлган умумдавлат солиқларининг маълум бир қисмини бевосита маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрларига бириктирилган даромадлар кўринишида қатъий ҳиссада ва доимий асосда қолдирилишини олдиндан белгиланиб қўйилиши кераклигини, бунда, асосий эътибор даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимлашнинг асосий комбинацион вариантларидан бири бўлган меъёрий ажратмалар тизимини такомиллаштиришга қаратилиши, шунингдек маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашда уларнинг бириктирилган даромадларига устуворлик бериш мақсадга мувофиқлигини таклиф қилганлар.

Фискал сиёсатнинг самарадорлиги кўпинча фискал мултипликаторлар билан ўлчанади, бу давлат харажатлари ёки солиққа тортишнинг ўзгариши натижасида ишлаб

чиқаришнинг ўзгаришини кўрсатади. Blanchard ва Перотти (2002) каби тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фискал мултипликаторлар таназзул пайтида бирдан каттароқдир, бу фискал сиёсатнинг иқтисодий фаолиятга кучли таъсирини кўрсатади. Бироқ, иқтисодий барқарорлик даврида бу кўпайтиргичлар кичикроқ бўлади.

Тежамкорлик ва рағбатлантириш чоралари бўйича мунозаралар, айниқса, 2008 йилги молиявий инқироздан кейин машҳур бўлди. Алесина ва Ардагна (2010) фискал консолидациялар солиқларни ошириш ўрнига харажатларни қисқартириш орқали амалга оширилса, иқтисодий кенгайишларга олиб келиши мумкинлигини аниқладилар.

Давлат қарзининг юқори даражаси фискал барқарорлик ҳақида ташвиш туғдиради. Рейнхарт ва Рогофф (2010) ортиқча қарз юқори фоиз ставкаларига ва иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келиши мумкинлигини таъкидладилар. Бироқ, сўнгги мунозаралар, шу жумладан замонавий пул назарияси тарафдорлари, паст фоиз ставкалари ва кучли институционал асос (Келтон, 2020) ҳисобга олинса, суверен қарз даражаси барқарор бўлиши мумкинлигини таъкидлаган.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада мантиқий усул, кузатув, таҳлил ва синтез, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши молия-кредит масалаларини ижобий ҳал қилиниши кўп жиҳатдан солиқ тизимининг тўғри йўлга қўйишига боғлиқ. Шу сабабдан Президентимиз «Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур” (Хайриддинов, 2011) деб таъкидлаган эдилар.

Мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги шароитда иқтисодиётни барқарорлаштириш жараёнида солиқ тизимига эътибор билан қараш ва уни давр талабига мослаб такомиллаштириш энг муҳим масала ва вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармонида, мамлакатимиз солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари этиб қуйидагиларни белгилаб берилди:

Жумладан, «иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;

- солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операция харажатларни минималлаштириш;

- солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

- солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг


барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг миқдорларини белгилаш;

- хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;

- солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш.

Мазкур солиқ концепцияси асосида ишлаб чиқилиб, 2020 йилдан амалиётга жорий этилган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига иқтисодийда солиқ юкини камайтириш, унинг барча тизимдаги солиқ тўловчилар ўртасидамутаносиблигини таъминлаш, ўхшаш базага эга солиқларни бирлаштириш эвазига улар сонини оптималлаштириш, солиқ назоратининг шакл ва механизмларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига соддалаштириш тадбирлари белгиланди.

Мамлакатимиз бюджет – солиқ сиёсатида амалга оширилаётган туб ислохотлар республикамиз иқтисодийетини ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Буни яққол тасдиғини солиқ юкидаражасининг мамлакатимизда яратилган ялпи ички маҳсулотгатаъсирида ҳам кўришимиз мумкин.



1-расм. ЯИМнинг ўсиши ва солиқ юкининг ЯИМдаги даражаси, % да ²⁴⁰

Юқоридаги 1-расм маълумотларининг таҳлили 2017-2023 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичлари 108,5 фоиздан 107,8 фоизгача камайганда, солиқ юки ҳам мос равишда 21,9 фоиздан 20,0 фоизгача (1,9 фоизли пунктга) камайганлигини, лекин, 2018-2023 йилларда мамлакатда яратилган ЯИМ олдинги 2017 йилга нисбатан 1,6 фоиз пунктга (107,8 фоиздан 106,2 фоизга) камайган бир пайтда, солиқ юки эса айнан шу даврда ўртача 5,9 фоиз пунктга (20,0 фоиздан 25,9 фоизга) ўсганлигини кўрсатади. Бунга асосий сабаб, мамлакатимизда айнан шу даврдан бошлаб солиқ соҳасида ислохотлар бошланиб, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ режимлари ўзгартирилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар қўшилган қиймат солиғини тўлашга, кичик бизнес субъектлари мол-мулк ва ресурс солиқларини тўлашга ўтказилди.

²⁴⁰ www.soliq.uz

Халқаро солиқ сиёсати мезонларида давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатига қараб, у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш салоҳияти даражасига баҳо берилади. Масалан, АҚШда бюджет даромадлари таркибида бевосита солиқлар салмоғининг 90 фоизга яқин бўлиши бу мамлакат иқтисодиётининг юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради ва бу мамлакатда солиқларни даромадлар ҳисобига тўлаш имкониятлари юқори. Ўз навбатида бу мамлакатда истеъмолдан эгри солиқ ундиришнинг зарурияти нисбатан паст.

Мамлакатимиз солиққа тортиш амалиётида солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясидан келиб чиқиб киритилган ўзгарти-ришларда 2019 йилдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ва 2020 йилдан айланмалари 1 млрд. сўмдан ошган барча тадбиркорлик субъектларининг қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтказилиши ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк ва ресурс солиқларини тўлашнинг жорий этилиши бевосита ва билвосита солиқлар бўйича тушумлар таркибига жиддий таъсир қилди.

1-жадвал

Давлат бюджети даромадлари таркиби ва бевосита солиқ тушумларининг аҳамияти таҳлили

Кўрсаткичлар	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
ЯИМ	426641	532713	605515	738425	888342
Давлат бюджети даромадлари	79099	112165	132938	164799	201864
ЯИМдаги улуши, %	18,6	21,2	22,1	22,4	22,7
Бевосита солиқлар	15437	31677	45207	58930	64447
ЯИМдаги улуши, %	3,6	6,0	7,5	8,0	7,3
Тушумлардаги улуши, %	19,5	28,2	34,0	35,8	31,9
Билвосита солиқлар	40949	46427	46428	56290	71390
ЯИМдаги улуши, %	9,6	8,8	7,7	7,7	8,0
Тушумлардаги улуши, %	51,8	41,4	34,9	34,2	35,3
Ресурс солиқлари	12663	19981	21257	23036	23913
ЯИМдаги улуши, %	3,0	3,7	3,5	3,1	2,7
Тушумлардаги улуши, %	16,0	17,5	16,0	14,0	11,8
Бошқа даромадлар	10050	14380	20046	26542	42114
ЯИМдаги улуши, %	2,4	2,7	3,3	3,6	4,8
Тушумлардаги улуши, %	12,7	12,9	15,1	16,0	21,0

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан сифат кўрсаткичлари бўйича амалга оширадиган бўлсак, бунда давлат бюджети даромадларини ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва унинг ўсиш (ёки камайиш) тенденциясини кўришимиз лозим бўлади. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, давлат бюджети даромадларининг сифат ўсиши 2022-йилда ЯИМга нисбатан 22,7 фоизни ташкил этган [12].

Ўз навбатида, 2014-2020 йиллар мобайнида билвосита солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи камайиш тенденциясига эга бўлсада, лекин қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи мамлакатимиз бюджетининг барқарор даромад манбаи сифатида тушумларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Халқаро солиқ маъмурчилиги тажрибасидан келиб чиқиб республикаимизда ҳам ресурс солиқлари мамлакатимиз табиий ресурсларидан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиш учун жорий этилади. Мазкур йўналишга кейинги йилларда юртбошимиз томонидан кенг эътибор қаратилиши яъни табиий ресурслардан фойдаланишни солиқлар воситасида тартибга солинишини қўллаб-қувватланиши натижасида ресурс

солиқларининг салмоғи 2016-2019 йилларда деярлик 1,1 баробарга ўсган. Лекин, 2020 йилги солиқ сиёсати концепцияси бўйича ресурс солиқлари маъмурчилигидаги ўзгаришлар сабабли уларнинг давлат бюджети салмоғидаги улушининг пасайиши кузатилади.

Республикамизда юритилаётган бюджет-солиқ сиёсатида маҳаллий бюджетлар даромадлари қонунчилик доирасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобидан шаклланиши белгиланган. Лекин бюджет-солиқ сиёсатимизнинг ўзига хослиги шундан иборатки, давлат бюджетига тушган умумдавлат солиқларининг бир қисмини ажратмалар қилиш йўли билан маҳаллий бюджетларга қайта тақсимланади.

Маҳаллий бюджетда ташкил этилган маблағлар асосан ижтимоий тадбирларга, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга, нафақалар тўлашга, инфратузилмани ривожлантиришга, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш ва бошқа қатор масалаларни ҳал этилишига сарфланади. Шу сабабли, солиқларни белгиланган муддатларда ундириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бюджет даромадлари таркибида тартибга солувчи солиқлар мезонлари ҳамда меъёрларини тўғри белгилаш, маҳаллий бюджет маблағларининг тақсимланишидаги қатор муаммолар устида илмий изланишлар олиб бориш талаб этилади.

Республикамиз давлат бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган маҳаллий бюджетлар “давлат ҳокимиятининг маҳаллий органи фаолиятини амалга ошириши учун унинг ихтиёрида молиявий база яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ҳамда давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар билан мувофиқлаштириб бориш имконини беради. Маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайиши ва ресурсларнинг тежамкорлик билан сарфланиш” [13] тадбирларини амалга оширади.

Хулоса ва таклифлар

Бюджет-солиқ сиёсати иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун ҳал қилувчи рол ўйнайди. Солиқ даромадлари ва давлат харажатлари, давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги асосий аломатлар бўлиб, бу омиллар орқали ҳукумат инфлатсион даражасини, ишсизликни бошқариши ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириши мумкин. Солиқлар ва давлат харажатлари орқали тақсимланадиган маблағлар иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларига таъсир кўрсатиб, иқтисодий барқарорликнинг муҳим даражасини белгилайди.

- Иқтисодиётнинг турли соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий фаолиятни тартибга солиш учун узоқ муддатли стратегик режалаштиришни амалга ошириши керак;

- адолатли ва шаффоф солиқ тизими яратиш орқали солиқ солиш самарадорлигини ошириш ва солиқ маъмурчилигининг юқори даражадаги ишончини таъминлаш зарур;

- мамлакатнинг рақамли иқтисодиётга ўтишга ёрдам бериш учун бюджет ва солиқ сиёсатини янада мослашувчан қилиш;

- иш ўринларини яратиш, камбағал аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва мамлакат инфратузилмасига инвестиция киритиш орқали ижтимоий ҳимояни кучайтириш;

- табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш учун бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва махсус рента солиғидан преференция ва имтиёзларни олиб ташлаш;

- халқаро ва миллий миқёсда энг яхши амалиётларни ўрганиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида очик маълумотлар сиёсатини қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодий барқарорлик иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг гарови ҳисобланади. Шунинг учун, Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатининг роли фақат молиявий воситаларни бошқариш эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни ҳам рағбатлантирувчи восита сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Adabiyotlar/ Лумерамура/ Reference:

Blanchard, O. (2020). Is There Deflation or Inflation in Our Future? Policy Responses to COVID-19. MIT Press.

Blanchard, O., & Perotti, R. (2002). An Empirical Characterization of the Dynamic Effects of Changes in Government Spending and Taxes on Output.

Furman, J. (2016). The New View of Fiscal Policy and Its Application. Conference on "Global Implications of Europe's Redesign".

Quarterly Journal of Economics, 117(4), 1329-1368.

Исламқулов А. (2019) Диссертация автореферати “Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш” 16-бет

Хайриддинов А.Б. (2011) Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати. –Т.: б. 13.